

БУХОРО МУСИҚА ФОЛЬКЛОРИНИНГ ТАРИХИЙ-НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Республика илмий-назарий анжуман материаллари

2020 йил 6 ноябрь



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БУХОРО МУСИҚА
ФОЛЬКЛОРНИНГ ТАРИХИЙ-
НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ
МАСАЛАЛАРИ

Республика илмий-назарий анжуман материаллари

2020 йил 6 ноябрь

БУХОРО – 2020

Havaskorlik teatr jamoasi rahbari repertuar tanlayotganida jamoaning kuchi, imkoniyatlarini hisobga olishi kerak. To‘garakka ishonch bilan kelgan yigit va qizlarni bezdirib qo‘ymaslik lozim. Chunki, ko‘pgina holatlarda to‘garak a‘zolari bilan “quruq gap”dan nari o‘tmaydigan holatlar ham uchrab turadi. Ularni qo‘llab-quvvatlash, rag‘batlantirish yo‘llarini topish kerakki, u keyingi repititsiyaga jon-dili bilan shoshilsin.

Buning uchun esa havaskorlik jamoasi rahbaridan katta ma’suliyat, mahorat va bilim talab etiladi. Bu yerda rahbar ularga “namuna” sifatida namoyon bo‘lmog‘i lozim.

Xulosa sifatida shuni aytish joizki, joylarda mavjud madaniyat markazlari, turli ta’lim muassasalarida, korxonalarda havaskorlik teatr jamoalarini tuzish, ularning repertuarlarini boyitish va xalq unvonlariga sazovor bo‘lishlariga intilishni kuchaytirmog‘imiz lozim. Ana shunda jamoa birlashadi, bir-birlarini tushunadigan, qo‘llaydigan bo‘ladi, o‘sha tashkilot, jamoa uchun fidoyi bo‘ladi, yaxshi munosabatlar shakllanadi.

Adabiyotlar ro‘yxati

1.M.Muxammedov. Televidenie va uning rejissyori. San'at ta'limi yilnomasi, 2jild, 2007y, 120b.

2.B.Sayfullayev, V.Rustamov. Madaniy tadbirlarni tashkil etish mahorati. Toshkent, 2016.71b.

3.Iso Jabborov. O‘zbek xalqi etnografiyasi. T. ,O‘qituvchi., 1994y., 284 b.

4.N.Niyozova. “Madaniyat uylarida (hozirda madaniyat markazlari deb yuritiladi) havaskorlik teatr va qo‘g‘irchoq teatr jamoalari to‘garaklarini tuzish bo‘yicha tavsianoma, T.2010., 14b.

5.S.Yo‘ldosheva. “Folklor-etnografik jamoalar uslubi”. Fan nashrioti. 1999yil, 6 b.

ФОЛЬКЛОР ҚЎШИҚЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Рўзиев Д.Й., БухДУ “Муסיқа таълими” кафедраси доценти

Муסיқа таълимини халқимизнинг миллий мероси, анъана ва урф-одатлари билан узвий уйғунликда боғлаб ташкил этиш замонамизнинг муҳим талабларидан биридир. Чунки муסיқа таълими жараёнини фольклор ва халқ қўшиқлари, дostonлар, лапар каби миллий мерос дурдоналаридан фойдаланиб ташкил этиш халқимизнинг узоқ ўтмишдан мерос бўлиб келаётган анъаналари, урф-одат ва миллий маданият намуналарини сақлаб қолиш ҳамда бойитишга даъват этади. Шу билан бир қаторда, таълимни миллий тараққиётининг ўта муҳим омили сифатида ёшларни бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини хурмат қилишга йўналтиради, янги тарбия тизимининг амалга ошириб бориш ва таълим жараёнининг самарадорлигини таъминлаш имконини берди.

Бугунги кунда ёшларни тарбиялаш борасидаги ижтимоий буюртмалар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб таълим-тарбия берувчи муассасалар зиммасига муайян вазифаларни юкламоқда. Ана шундай вазифалар сиррасига кирувчи таълим-тарбия масалаларига мисол тариқасида – мусиқа таълимида фольклор кўшиқларини ўргатиш, ўқувчиларга миллий мусиқий мерос ҳақида кенгроқ тушунча бериш, хусусан, миллий мусиқамизнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг мазмун-моҳиятида илгари сурилган миллийлик ғоялари тўғрисида назарий маълумотлар бериш, ўтмишда халқимиз томонидан куйлаб келинган фольклор кўшиқларини ижро этиш лаёқатини ҳосил қилиш, ижрочилик малакаларини бойтиш ва кўникмаларни шакллантиришдан иборат эканлигини айтиш мумкин.

Мусиқа таълимида фольклор кўшиқлари воситасида ўқувчиларни миллий руҳда тарбиялаш, уларнинг маънавий дунёсини бойитиш бекиёсдир. Зеро, фольклор кўшиқларининг мазмун-моҳиятида, биринчи навбатда, шахс камолотини таъминлашга хизмат қилувчи маънавий–ахлоқий қарашлар, ўзига хос миллий ғоя, тафаккурни бойитувчи мазмундорлик мужассамлашган бўлиб муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир. Фольклор кўшиқлари шуниси билан аҳамиятлики, улар мазмунида ёши улўғлар, ота–оналарнинг ҳурматларини сақлаш, қариндош–уруғ, кўни–кўшнилар, дўстлар билан самимий муносабатда бўлиш, уларга ғамхўрлик, меҳрибонлик билан ёндашиш, меҳр–оқибат кўрсатиш, қувончу ташвишларига яқиндан туриб шерик бўлиш, дилларига озор етказмаслик каби ғоялар илгари сурилган. Айрим кўшиқларнинг ҳазил-мутойиба шаклида куйланиши замирида эса деҳқоннинг сифатли меҳнат қилиши ва натижада мўл ҳосил олиш мумкинлиги ифодаланади. Шундай кўшиққа мисол “Ошпаз кўшиғини” айтиш мумкин. Бу кўшиқ ҳақида профессор Ў.Тошматов куйидагича изоҳ беради: “Одатда, меҳнат жараёнида тушлик чўзилиб кетмаслиги учун егулик бевосита далага келтирилган. Бу кўшиқда ошпаз аёл ва деҳқонларнинг ҳазил-мутойибаси, ўзаро танқидлари орқали ерни ҳайдаш, дон сепиш жараёнлари тасвирланади. Деҳқонларнинг қоринлари очлигидан шикоятларига жавоб сифатида ошпаз аёлнинг ерни чуқурроқ, ҳайдаш, донни сифатлироқ сепиш лозимлигини уқтириши, меҳнатда сабр–қаноат ва сифат ҳосилнинг тақдирини белгилаши куйланади. Кўшиқ, созандалар ансамбли жўрлигидан яккахон (ошпаз аёл) ва эркаклар гуруҳи (деҳқонлар) айтишуви шаклида ижро этилади”. Дарҳақиқат, муаллиф мазкур кўшиқ ҳақида жуда тўғри фикрни баён этган. Кўшиқнинг биринчи банди чақириқ, ҳаракатга ундаш маъносинида ифодаланганлиги билан ўзига хос маъно, мазмун ва хусусиятга эга:

Ошпаз кўшиғи

Н а қ а р о т :

(Ҳамма куйлайди)

Бир маталим бор мошдан,

Тишлари темир тошдан.

Зухра хола югуравер,
Дехқонлар ўлди очдан.

Қўшиқнинг иккинчи бандида ошпазнинг деҳқонга нисбатан мақтовии баён этилади ва ошпаз томонидан якка тартибда куйланади:

Ошпаз:

Дехқон бобо ер ҳайдар,
Ҳайдаса ҳам зўр ҳайдар.
Қорни очса не қилсин,
Бобо ҳуқизни ҳайдар.

Н а қ а р о т :

Қўшиқнинг қолган бандлари ҳам ошпаз тилидан куйланади ва ҳар қайси банддан сўнг нақорат ҳамма куйлайди:

Ошпаз:

Ер ҳайдасанг, соз ҳайда,
Ерни чуқур, қоз ҳайда.
Оз қолди, ёмон ҳайдама-е,
Яхши ҳайда, оз ҳайда.

Н а қ а р о т :

Ошпаз:

Донни сочсанг тўла соч,
Ҳар донини бўлак соч.
Оч қолиб сийрак сочмагин-е,
Ҳосилини била соч

Н а қ а р о т :

Маълумки, қадимги аждодларимиз об-ҳаво ўзгаришларини дов-дарахтларнинг ҳолатига, ҳайвон ва паррандаларнинг хулқ-атвориға қараб аниқлашға ҳаракат қилган. Масалан, ёғингарчилик меъёрини турнанинг баланд ёки паст учишиға қараб аниқлаган, об-ҳавонинг иссиқ ёки салқин келишини эса турналарнинг қишлагани қолиш ёки қолмаслиғига қараб айтиб бера олганлар. Бу жиҳатларни “Турна келди” қўшиғида кўраимиз:

Турна десам, туримли,
Кенталаға кўнимли.
Турналар учса пастлаб,
Ризқинг келар унумли.

Турна ўзи кўрумли,
Усти қора, бўйни — оқ.
Турна учса баландлаб,
Йил келади, курумсоқ.

Турна тилло тарози,
Обу-ҳавоға қози.
Турна қолса юртингга,
Салқин келади ёзи.

Қўшиқ мусиқа чолғуларисиз ижро этилса-да, ижро давомида турналарнинг сайрашиға такдид қилувчи товушлар садоланиб туради.

Фольклор қўшиқлари сўз ва оҳангнинг ўзаро уйғунлашуви билан

чиройли ва ёқимли ижро этилади. Сўз ва оҳанг ёрдамида ифода этилган ўғит, панд–насихат шахснинг психологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда кечади ва тез қабул қилинади. Фольклор кўшиқларининг сўзи ва оҳанги унчалик мураккаб эмаслиги барчага маълум. Шу боис кўшиқнинг мазмун-моҳиятини англаш, сўзнинг ифодавий воситаси, мазмунини осон тушуниш шахсни эстетик ҳис–туйғуларини тарбиялашга, войеликка нисбатан масъулиятли ёндашув кўникмаларини ҳосил қилади.

Шу ўринда ҳақли саволлар туғилади, яъни, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг фольклор кўшиқлари ҳақидаги билими қай даражада?, улар мусиқа дарслари жараёнида қайси фольклор кўшиқларини куйламоқда?, уларнинг фольклор кўшиқлариги нисбатан қизиқиши қандай?, мусиқа дарслигида фольклор кўшиқлари бўйича материаллар етарлича берилганми?. Табиийки, бу саволларга атрофлича жавоб олиш учун илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш керак бўлади. Лекин айтиш мумкинки фольклор кўшиқларини мактаб ўқувчиларига ўргатишда жиддий камчиликлар мавжуд. Камчиликлар ўрнини тўлдириб бориш учун:

- фольклор кўшиқлари намуналарини умумий ўрта таълим мактабларининг мусиқий таълим-тарбияга тизимига кўпроқ киритиш;

- тарбиявий аҳамият катта бўлган фольклор кўшиқларини нота ёзувли намуналарини алоҳида тўплам шаклида чоп эттириш;

- фольклор кўшиқларининг таниқли ҳофизлар, хонандалар, ижодий дасталар ижро этган аудио ёзувларини мусиқий таълим жараёнини кенг тадбиқ этиш;

- мактаб ўқувчилари фольклор кўшиқлари, мақомларни ўрганишни учун махсус тўғараклар ташкил этиш;

- Олий таълим тизими мусиқа таълим йўналиши ўқув режасига фольклор кўшиқлари фанини киритиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, анъанавий ижрочилик намуналари сифатида халқ ўртасида кенг тарқалган, абадий воқеликка мансуб ижод ва санъат деб баҳоланаётган фольклор кўшиқларидан ёшлар таълим-тарбиясида кенг фойдаланиш мақсада мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Тошматов Ў. Фольклор кўшиқлари. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Т.: 2003. – 134 б.

2. Жўраев М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. (Ўқув қўлланма). Т.: “Фан”, 2008. – 293 б.

3. Жўраев М. Фольклоршунослик асослари.(Ўқув қўлланма). Т.: “Фан”, 2009. - 192 б

4 . Лутфуллаев Х. Фольклор якка кўшиқ шорочилиги (Ўқув қўлланма). Т.: Республика методика ва ахборот маркази. 2008. – 80 б.

5. Йўлдошева С. Фольклор-этнографик жамоалар услубиёти (Услубий қўлланма).Т.: “Фан”, 1999. – 112 б.

6. Сафаров О. Ўзбек болалар поэтик фольклори. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 250 б.

7. Турғунов Ш.Д. Наманган болалар фольклорининг жанрлар таркиби. Филл. фан. бўйича фал.док(PhD) автореферат. Т.: 2019. – 53 б.

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДА – СЎЗ САНЪАТИНИНГ ЎРНИ

Ҳ.Р. Ҳасанов БухДУ мусиқа таълими кафедраси ўқитувчиси

Халқ оғзаки ижоди-халқнинг мусиқий хазинаси. Бу бойликларни асраб-авайлаш ривожлантириш авлодлар бурчи. Ҳар бир санъат соҳасида иш олиб бораётган мутахассис ўзи танлаган турни “фольклор” деб атайдигани. Масалан, мусиқачи халқ куйларини, хореограф халқ рақсларини, архитектор халқ меъморчилигини, фольклоршунос олим халқ дostonлари, эртакларини фольклор асари деб ҳисоблайди. Биз – сўз санъати сирларини ўрганувчи соҳада иш юритганимиз учун мақол, топишмоқ, лоф, аския, латифа, кўшиқ, эртақ, дostonларни фольклор намунаси сифатида ёзиб оламиз, таҳлил қиламиз. Халқ оғзаки ижодининг сўз санъати эканлигини тушунишдан аввал санъатнинг ўзи нималигини билиш лозим.¹ Агар изоҳдаги сўзларга эътибор берсак, санъат деганда, маҳорат билан амалга оширилган меҳнатни тушуниш англашилади.

Санъатни маҳоратсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шунинг учун устозларимиз “Санъат – инсон ақлу заковатининг буюк кашфиётидир” дейишдан толиқмасдилар. Айни пайтда, “Санъат маҳоратнинг энг олий даражасида вужудга келади” деган гапни ҳам кўп такрорлар эдилар. Ҳақиқатан ҳам, санъатни тушуниш санъатни яратишдек мураккаб эканини билишимиз керак. Айниқса, филология, журналистика, тарих, фалсафа каби соҳа эгалари санъатни тушуниш, тўғрироғи, ҳис қилиш қобилиятига эга бўлишлари алоҳида фазилатдир. Одатда маҳсус маълумотга эга бўлмаган одамлар оддий тасвирларни санъат асари деб тушунадилар. Масалан, магазинларнинг олд қисмидаги реклама мақсадида намоён қилинадиган расмлар: костюм кийган йигитлар, кўйлакли қизлар, нонларнинг турли хиллари, кийим-кечаклар тасвирлари ва ҳоказолар. Аслида буларнинг биронтаси санъат асари ҳисобланмайди. Ҳатто буюк рассомлар ишлаган тасвирий санъат асарларидан олинган нусхалар – копиялар ҳам санъат асари бўлмайди. Ҳаддан ташқари чиройли безакланган чойнак, пиёла, лаганлар минглаб нусхаларда сотилади, улар санъат асари ҳисобланмайди. Чунки санъат асарлари санъаткор томонидан маҳорат билан яратилиши шарт. Шунинг учун санъат асарлари фақат санъаткор яратган ягона нусхада бўлади. Маълумки, санъатнинг нақш, мусиқа, ҳайкалтарошлик, ганчкорлик, ўймакорлик, рақс, бадий адабиёт

¹ 5 жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да (3-жилд. 442-б): “Санъат” [صنعت - [иш, меҳнат; маҳорат; касб-ҳунар деб кўрсатилган.

МУНДАРИЖА

ХАМИДОВ О.Х. Бухоро мусиқа фольклори – азалий ва абадий қадриятлар сарчашмаси	3
І ШЎБА	
БУХОРО МУСИҚА ФОЛЬКЛОРИ БОРАСИДАГИ ЁНДАШУВЛАРДА МУАММО ВА ЕЧИМЛАР	
АБДУЛЛАЕВ Р. Халқ мусиқа ижоди номоддий маданий мероси сифатида	4
МАДРИМОВ Б. Ўқувчиларга эстетик тарбия беришда ўзбек мусиқа фольклорининг аҳамияти	7
АВЕЗОВ Р. Мавриги рақсларининг анъанавий ижроси	11
ЮСУПОВ Д. Фольклор ва кўфирчоқ театри	15
RUSTAMOV V. Joylarda havaskorlik jamoalarini tashkil etish uslubiyoti	18
РЎЗИЕВ Д.Й. Фольклор кўшиқларининг ўзига хос хусусиятлари	22
ҲАСАНОВ Ҳ.Р. Халқ оғзаки ижодида – сўз санъатининг ўрни	26
XIDIROV A. Buxoro qadimgi saroy maktabida folklor uslublari tarixi	28
SAIDIY S.B Darvish Ali Changiy ta'limoti va zamondoshlari	30
ISMOILOVA M.E Buxoro “Buxorcha”si xususida	32
NOROVA SH.U. Musiqa madaniyati darslarida o'quvchilarni xalq musiqasiga bo'lgan qiziqishlarini shakllantirish metodlari	35
НУРУЛЛАЕВ Б.Г. Бухоро фольклор кўшиқлари халқнинг ижодий маъсули сифатида	38
АЛЛАЕВА З. Ўзбек мусиқа ижрочилигида болалар фольклорининг аҳамияти	42
НУРМАТОВА М.А., РАХИМОВ А.Э. Фольклорная музыка и изустно-профессиональное творчество	44
АЛЛАЯРОВА Н. Н. Оилада болаларни халқ оғзаки ижоди намуналари асосида тарбиялаш методи	47
MUXAMEDOV.T.DJ. Xalq ogzaki ijodi bo'lgan folklor va uning xususiyatlari	50
SAMIYEVA M. Buxoro musiqa folklorini tadqiq etish tarixidan	53
SHAMSIYEV S.I Folklor qo'shiqlarining lokal (maxalliy) ijro uslublari	56
MURODOV M.B O'zbek folklorining janrlari xususida	58
ODILOV A.I. O'zbek musiqa folklori haqida	60
РАЖАБОВ Т. Болалар фольклор кўшиқларини ўрганиш жараёнини такомиллаштириш юзасидан тажрибалар моҳияти	62
РАХМАТУЛЛАЕВА G Bolalar folklyor qo'shiqlarini o'rganishda milliy musiqiy ta'limning o'rni va ahamiyati	66
SAMIYEVA M. Buxoro musiqa folklorining tarixiy-nazariy va amaliy masalalari	69
БОЛИЕВ У., ТОШПУЛАТОВ М. Ўзбекистонда фольклоршунослик тараққиёти	71